



С.С. ТҮЙЧИЕВА

ЁШЛАР МАЊИВИЙ ТАРБИЯСИДА МУТОЛААНИНГ ЎРНИ

In the given article is scientifically analyzed expansion of world outlook, formation and enrichment of youth by reading books.

Бугунги кунда ёшлар атрофини ноёб тарихий китоблардан тортиб, босмахона ҳиди келиб турган суратли ва суратсиз, безакли ва қувнок, камтарона ва жиддий китоблар ўраб турган бир пайтда, ёшлар кўп китоб ўқишияпти, деб айтиш қийин. Кўпчилик ёшлар китоб ўқишдан кўра телевизорга тикилишни, интернет титишни хуш кўрадилар. Бунинг сабабларидан бири телевидение ва интернетнинг турли-туман ва енгил-елпи ахборотга бойлиги, бунинг устига бу ахборотлар осонлик билан (яъни китоб мутолаасидаги каби диккатни бир жойга тўплаш, ўқилган матнни идрок этиш мashaqatlarisisiz) “ҳазм” қилиниши, ортиқча зўриқиши талаб этмасдан болани зериктирмаслигидир.

Кейинги пайтларда вақтни бу тарзда ўтка-зишнинг, телевизор ёки интернетга ҳаддан зиёд боғланиб қолишнинг зарали таъсири ҳақида маълумотлар кўплаб эълон қилинмоқда. Хусусан, уззу-кун телевизор кўрувчи, компьютер ўйновчи болаларнинг чап мия шарлари бора-бора буткул ривожланмай қолиш хавфи борлиги тўғрисида хабарлар тарқамоқда. Масаланинг бу жиҳати алоҳида бир мақолага мавзудир. Биз мутолаа масаласига қайттамиз.

Социолог М. Бекмуродов фикрича, ёшлар орасида китобга қизиқишининг сусайишига яна бир сабаб уларнинг баъзиларида бадиий-эстетик эҳтиёжларни қондириш истаги камайиб кетганидир.

Бозор иқтисодиёти таъсирида одамлар руҳи-
ятида моддий эҳтиёжларни қондиришга бўлган

интилишнинг нисбатан ортиб бориши, ҳақиқий ва ўткинчи қадриятларни фарқлашда бепарволик, шунингдек, китоб харид нархининг юқорилиги, бошқа томондан ҳақиқий ғоявий-бадиий юксак китоблар ададининг камайиб бориши, нашр этилаётган кўпгина янги бадиий асарлардан китобхонларнинг кўнгли тўлмаётганлиги каби омиллар ҳам умумий мутолаа даражасининг сусайишига сабаб бўлаётир.

“Одамларимиз оғзидан бугун қандай мазали таом еганликлари, яхши дам олганликлари, түйга борганликлари хусусида күп ва хүп эшитамиз-у, аммо фалон роман, мақола ёхуд спектаклда шундай муаммо күтарилиди, фалон театрда янги асар күйилиби ёки янги күргазма намойиш этилаёт-ған экан, леган гапни кам эшитамиз”[3].

Баъзи ёзувчи ва мутахассислар болалар адабиёти савиясининг пастилиги китобхонликнинг сусайишига асосий сабаб, деб таъкидлайдилар. Бизнингча, бу ҳам бир ёқлама қарашдир. Тўғри, турғунлик йилларида болалар адабиёти ҳам маълум маънода инқирозга учради. Асоссиз оптимизм, қуруқ мадхиябозлик адабиётнинг етакчи тамойилига айланган эди. Бундан болалар адабиёти ҳам четда қолган эмас. Бу муаммолар, авваламбор, сўз санъаткори ижодига боғлиқ, дейиш мумкин. Китоб ўқишидаги маданий инқирозни енгиш учун ёзувчи замонга ҳамнафас, унинг қадамларига ўз юрак уришини созлаши лозим. Ёзувчи, – деган эди Оноре де Бальзак, – бутун коинотни бир сўзда, бутун фалсафий тизимни бир образда ифодалай олиши керак”.

Тўйчиева Сайёра Суярқуловна – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, фалсафа фанлари доктори

Китобхонлик савиясини кўтаришнинг иккинчи жиҳати мактабдаги адабиёт дарсларига, адабиёт муаллимларига бориб тақалади. Бунинг учун ўқитувчи адабиёт дарслари орқали ёшлар онги ва қалбига бадиётга ҳавас, одамгарчилик, имон-эътиқод, юксак ватанпарварлик хисларини сингдиришга қобил, ўз фанининг билимдон мутахассиси, нозиктаб тарбиячи ва синчков психолог бўлиши керак. Адабиёт дарсларининг мазмуни ҳам ушбу талабга монанд бўлмоғи зарур.

Бозор муносабатлари шароитида бадиий қадриятларга нисбатан эътиборнинг вақтинча бўлса ҳам сусайиши, шунингдек, бозорбоп бадиий асарларнинг юзага келиши ҳам ўз-ўзидан равшан. Бу ўринда атоқли қирғиз адаби Ч.Айтматовнинг муаммога оид қуидаги фикрларини келтириш ўринли, деб ҳисоблаймиз: “Ўз меҳнатинг билан ўзингни таъминлай олмасант, замон акуласига ем бўласан. Шу боис китоб дўконларини, пештахталарни, бозорларни ярамас олди-қочди асарлар эгаллаб ётибди. Зўравонлик, қотиллик, талончилик руҳи билан сугорилган бу асарлар, аслида жиноятчиликни такомиллаштириш бўйича ўзига хос қўлланма вазифасини бажаряпти”.

Мунозарани давом эттирган қозоқ адаби М. Шохонов шундай дейди: “илгари ёшлар янги ўқиган китоблари билан мактанишарди. Ҳозир беш сўм ёки тангани қандай қилиб ўнга айлантиргани тўғрисида бир-бирларига мақтанадилар ва бу хол ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Инсонни инсон қиласиган маънавий бойлик ўз аҳамиятига кўра, ўнинчи, ўн бешинчи, ҳатто, йигирманчи ўринга тушиб қолади” [4: Б.156-157].

“Пул санашга ўрганган боланинг қўли китобни вараклашга эринади, – деб ёзади профессор Т.Махмудов. – У ҳеч қачон бевосита фойда келтирмайдиган, пул топиш ўрнига вақтини ўғирлайдиган китоб ўқиш, кўргазмаларни томоша қилиш, концерт, театрларга бориш сингари “бефойда” нарсаларни кўнгли истамайдиган бўлиб қолади” [5: Б.4].

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти инсонда мулкдорлик туйгусини таркиб топтиради, бироқ бу жараён маънавиятдан озиқланмаса, маънавиятга эҳтиёж сезмаса, энг муҳими, маънавийлик билан суғорилмаса, эзгу натижаларни бермайди. Мулк туйгуси билан ташаббус ва тадбиркорлик туйгусини бир-биридан асло ажратиш мумкин эмас, бироқ “...олимни – илмидан, ёзувчини – ижодидан, санъаткорни – санъатидан йироқлаштирувчи мулкдорлик хатарли. Бундай “эврилиш” ҳар қандай

зиёлининг ахлоқий кучини емириб ташлайди. Миллат манфаати учун ишлаш, миллат қисматини ўйлаш шунчаки қуруқ гап бўлиб қолади” [6: Б.18].

Бугунги ижтимоий ҳаётимизда бу масала мавриди келганда эслаб қўядиган, оддий таъкидлаб ўтиб кетадиган масала бўлмай қолди. У адабиёт ва санъатимизга, ҳатто бутун маданий савиямизга саёзликни, дидсизликни олиб кирадиган хавфга айланди. Буни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш, фақат иқтисодий фойда қўриш максадида кираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнес соҳасига борсин. Мана, бу борада қанча-қанча имконият ва имтиёзлар яратиб беряпмиз – шу соҳага ўтиб ишласин. Лекин ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам, санъат деган мукаддас тушунчани ҳам беобрў қиласин. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унтишга ҳаққи йўқ”[2] деган ҳақли талабидан ҳам яққол англаста бўлади.

Адабиёт дарсларида одамийлик,adolat, элпарварлик, меҳнат ва хунар, ота-она, аёлларга муносабат, камтарлик, имон-эътиқод, саховат, тўғри сўзлик, ишқ-вафо, дўстлик, меҳмоннавозлик, ҳаё, одоб, поклик, яхшилик ва ёмонлик, увол ва савоб ҳақида таълим-тарбия бериш учун барча имконият мавжуд. Чунки мумтоз бадиий асарларнинг таг замирида юкоридаги ғоялар ётади. Дарс давомида эса инсон фазилатининг бу қирралари таҳлили сўзсиз ўқувчининг бадиий тафаккурида ўз ўрнини қолдирган ҳолда унинг маънавий олами гўзал қиёфада шаклланишига олиб келади.

Кейинги йилларда олимлар адабиётни бошқа ижтимоий фанлар билан боғлаб ўрганиш методикасини ишлаб чиқдилар. Масалан, сўз санъати –адабиётни бўёқ санъати – тасвирий санъат билан, тасвирий санъатни – мусиқа санъати билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ўқувчи бадиий маданийтига сифат жиҳатдан салмоқли хисса қўшиши аниқланди. Бунда ўқувчига ёзувчи ва рассом, ёзувчи ва бастакор, рассом ва бастакор асаридаги ўхшашликни аниқлашни ўргатиш мумкин. Буни адабиётшунос педагоглар А. Зуннунов ва А. Алиевлар ҳам тасдиқлайдилар: “Уйғуннинг

“Тонг” шеърини ўрганишда халқ рассоми Ў. Тансиқбоевнинг “Жонажон ўлка” расмини намойиш қилиш ўринлидир. Бу картина ўқувчиларнинг Уйғун асари мазмунини пухта англаб, шеърнинг гўзаллигини чуқур хис қилиб, эстетик завқ олишларини таъминлайди” [7: Б.50].

Инсониятнинг маънавий дунёқараши ҳақида мулоҳаза юритган латвиялик ёзувчи Альбертас Лакринчюкас америкаликлар ўртасида танилган бизнесменнинг Нью-Йоркдаги уйида меҳмондорчиликдаги бўдиб ўтган воеа ҳақида шундай ёзади: “Тушлик чоғида уй эгаси фақат автомобиллар ва от чоптириш ҳақида гапирди. Сўнг биз унинг кутубхонасига кирдик. Бу кенг ёруғ хонанинг деворлари шипдан полгача китоб билан тўлдирилган жовонлардан иборат эди. Уй эгасини қўнғироқ қилиб чакириб қолишиди, у узр сураб чиқиб кетди. Бекор қолганимдан мен китобларни томоша қилишга киришдим. Марк Твеннинг зарҳал мұқовали китобига кўзим тушди ва уй эгаси келгунга қадар олиб вараклаб турмоқчи бўлдим. Лекин китобни жовондан ололмадим, кучлироқ тортган эдим бутун жовон тебраниб кетди. Фақат шундагина мен бу барчаси китоблар эмас, балки бутафория эканлигини англадим. Уй эгаси қайтиб келгач, кибернетика ва космос асрида адабиётнинг аҳамияти ҳақида гапирди. У бугунги кунда ёзувчи-нинг овози президент ва қиролларнинг овозидан кучли деб таъкидлар эди, аммо мен унинг нигоҳига назар солган ҳолда, фақат елим, гипс ва бўр араплаштирилган қофоз массадан қилинган китоблар (папъемаше) тубини кўтардим” [7].

Китоб жөвөнларига классик асарларни териб қўйиб, амалда ўқимаслик ёки америкалик бизнес-

меннинг китоб бутафорияларини ясаб қўйганлиги бу – кишиларнинг бошқалар кўзи олдида маданиятли бўлиб кўринишга бўлган интилишидан бошқа нарса эмас.

Салбий шарт-шароитлар нечоғли киши дүнёқарашига таъсир этмасин, инсон ҳамма вақт ўз маънавий дунёсининг ички овозига, ўзи эгаллаган билим ва тажрибасига, тафаккурига қулоқ солмоғи лозим, бунинг учун ўзидаги ва ўзгалардаги камчиликларни реал илғашни, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлишни тарбиялаши керак.

Шу билан бирга ҳар бир инсон маълум маънода шаклланган ўзига хос бадиий дидга эга бўлиши керак. Шу ўринда Ислом Каримовнинг қуида-ги сўзларини эслаш лозим. “Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Авваламбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна ўрганиш зарур. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди”[1: Б. 7.].

Хуллас, ёшлар тафаккурини инсонпарварлик-ка, эзгуликка йўналтиришда, уларларда ижодий ва мантиқий фикрлашни шакллантиришда китобнинг хизмати бекёс. Акс ҳолда, маънавий бўшлиқ, маънавий қашшоқлиқ вужудга келиб, ёт ва салбий ғоялар ёшлар ҳаётига ўз таъсири ни ўтказади. Муайян муаммоларни бартараф этиш учун ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, уларни ўзига ҳам, атро-фдагиларга ҳам фойдали бўлган ишлар билан шуғулланишларига шароит яратмоқ лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.
 2. Ш. М. Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириши – халқимиз маънавий оламини юксалтиришининг мустаҳкам пойдеворидир: Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлларни вакиллари билан учрашувдаги маърузаси.// Халқ сўзи. – 2017 йил 4 август.
 3. Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети// Ҳуррият, 2002 й. 9 октябрь.
 4. Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. – Тошкент: Шарқ, 1998.
 5. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 2001.
 6. Иброҳим Ҳаққул. Жаннат – инсоннинг ботинида// Тафаккур, 1996. 2-сон.
 7. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиши. – Т.: “Ўқитувчи”. 1982.
 8. Лауринчюкас А. Утверждаю красоту. Культура личности// Правда, 13 апреля 1980 г.